Жаррохлик ва Ангиография (юракга стент қўйиш) бўлими фойдаланишга топширилди.

Данғара туманида жойлашган “Abu Bakr Ar-Roziy Med Service” клиникаси томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини кенгайтирлииб, қўшимча Жаррохлик ва Ангиография (юракга стент қўйиш) бўлими фойдаланишга топширилди.

Тадбирни очиб берган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ўз сўзида бугунги кундаги соғлиқни сақлаш тизимидаги туб ўзгаришлар, жумладан, соҳада хусусий секторнинг жадал ривожланиб бораётганини таъкидлаб, клиника жамоаси фаолиятига муваффақият тилади.

Жарроҳлик ва Ангиография (юракга стент қўйиш) бўлимига умумий қиймати 750 минг долларни ташкил этган “Philips” копманясининг Ангиография аппарати ўрнатилиб, 30 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Жарроҳлик бўлимига Германия ҳамда Хитой давлатларининг жаррохлик технологиялари ўрнатилган бўлиб, 40 та койкалар билан жиҳозланган. Бўлимида олий тоифали хирург, лор, уролог жаррохлари томонидан ҳар қандай жаррохлик операциялари амалга оширилади.



2021-11-05 15:09:31